XALQ DEPUTATLARI ZOMIN TUMANI KENGASHI QARORI

2022 - yil 11 - mart VI-34-41-3-48-K/22 Zomin tumani hokimligi

Зомин туманидаги номсиз географик объектларга ном бериш тўғрисида

Тумандаги номсиз хиёбон, зиёратгоҳ ва қабристонларга ном бериш юзасидан маҳалла фуқаролар йиғинидан келиб тушган таклифлар кўриб чиқилди ва мазкур таклифлар атрофлича муҳокама қилиниб, тумандаги номсиз хиёбон, истироҳат боғи, майдон, зиёратгоҳ ва қабристонларга номларни тасдиқлаш бўйича Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш тўғрисидаги туман комиссияси давлат экспертизасидан ўтказиш учун юборган таклифларга Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссияси томонидан тақдим этилган хулосалар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “Географик объектларнинг номларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 295-сонли қарори ҳамда туман комиссияси таклифларини инобатга олиб, халқ депутатлари Зомин тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Зомин тумани ҳудудидаги номсиз қабристонларга янги ном бериш бўйича Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш тўғрисидаги таклифлари юзасидан давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссияси (кейинги ўринларда Эксперт комиссия деб аталади) хулосалари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Эксперт комиссиянинг Зомин туман ҳудудидаги мавжуд номсиз

хиёбон, истироҳат боғи, майдон, зиёратгоҳ ва қабристонларга ном бериш бўйича таклифлари маъқуллансин.

3. Зомин тумани ҳудудидаги номсиз хиёбон, истироҳат боғи ва майдонларга берилган номлар рўйхати 1-иловага;

туман ҳудудидаги номсиз зиёратгоҳларга берилган номлар рўйхати 2-иловага;

туман ҳудудидаги номсиз қабристонларга берилган номлар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман статистика бўлими (Ф.Эргашев), Кадастр агентлиги Жиззах вилояти бошқармасининг Зомин тумани филиали (Ф.Уралов), туман архитектура ва қурилиш бўлими (А.Ғаниев) ҳамда тегишли мутасадди ва давлат органларига амалдаги тартибда ном берилган географик объектларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базасини шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартириш киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

5. Туман Ички ишлар бўлими (Ф.Тўйчиев) ном берилган ўзгартирилган ҳудудларда тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин.

6. География объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш бўйича туман комиссияси (Т.Усмонқулов, Б.Жонтурсунов) ном берилган хиёбон, истироҳат, майдон, зиёратгоҳ ва қабристонларга номлари ёзилган металл кўрсатгич ва белгилар, пешлавҳалар босқичма-босқич ўрнатилишини таъминласин.

7. Белгилансинки, географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

8. “Шарқ тонги” газетаси (Х.Сиддиқов) ва туман ҳокимлиги ахборот хизмати (Б.Бердимуродов) ушбу қарор газета ва туман ҳокимлиги расмий сайти саҳифасида ёритилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш халқ депутатлари туман Кенгашининг ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари доимий комиссияси (Б.Шукуров)га ва қарор ижросини таъминлаш географик объектларга ном бериш ва уларнинг

номларини ўзгартириш масалалари бўйича туман комиссияси (С.Парманов) зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **А.Абдуганиев**

Xalq deputatlari Zomin tuman
Kengashining
2022 yil 11 martdagi
VI-34-41-3-48-K/22-son qaroriga
1-ilova

Зомин тумани ҳудудидаги номсиз хиёбон, истироҳат боғи ва майдонларга берилган номлар рўйхати

Т/р	**Географик обектнинг тури**	**Жойлашган ўрни**	**Географик обектнинг амалдаги номи**	**Вилоят комиссияси томонидан берилган таклиф**	**Эксперт комиссиясининг хулосаси**
1.	Хиёбон	Қайирма МФЙ	Номсиз	Сайилгоҳ	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
2.	Хиёбон	Ғафур Ғулом МФЙ	Номсиз	Истиқлол	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
3.	Истироҳат боғи	Қайирма МФЙ	Номсиз	Зомин	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
4.	Майдон	Қўрғон МФЙ	Номсиз	Хотира боғи	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.

Xalq deputatlari Zomin tuman
Kengashining
2022 yil 11 martdagi
VI-34-41-3-48-K/22-son qaroriga
2-ilova

Зомин туман ҳудудидаги номсиз зиёратгоҳларга берилган номлар рўйхати

Т/р	Географик обектнинг тури	Жойлашган ўрни	Географик обектнинг амалдаги номи	Вилоят комиссияси томонидан берилган таклиф	Эксперт комиссиясининг хулосаси
1	Масжид, мақбара, қабристон, минора	Ғафур Ғулом МФЙ	Номсиз	Хўжа Аҳрор Валий	Хўжа Аҳрор Валий - Географик объектларнинг ўзбек тилида ёзилиш қоидалари асосида нормаллаштирилди Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
2	Зиёратгоҳ	Навоий ҚФЙ	Номсиз	Хўжаисеробота	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
3	Археологик тепалик, мақбара, зиёратгоҳ	Ғаллакор ҚФЙ	Номсиз	Кўктўнлиота	**Кўктўнлиота-**Географик объектларнинг ўзбек тилида ёзилиш қоидалари асосида нормаллаштирилди. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
4	Археологик тепалик, хонақоҳ, зиёратгоҳ	Туркман МФЙ	Номсиз	Хўжа Шоҳимардон Шердор	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
5	Шифобахш қумлар. мақбара, зиёратгоҳ	Мустақиллик МфЙ	Номсиз	Қум ота	Қумота- Географик объектларнинг ўзбек тилида ёзилиш қоидалари асосида нормаллаштирилди. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.

6	Зиёратгоҳ	Дуоба ҚФЙ	Номсиз	Оқтепа-Арчамозорота	Оқтепа Арчамозорота- Географик объектларнинг ўзбек тилида ёзилиш қоидалари асосида нормаллаштирилди. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
7	Зиёратгоҳ	Дуоба ҚФЙ	Номсиз	Тойлон ота	Тойлонота- Географик объектларнинг ўзбек тилида ёзилиш қоидалари асосида нормаллаштирилди. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
8	Зиёратгоҳ	Навоий ҚФЙ	Номсиз	Ғойибота	Ғойибота- Географик объектларнинг ўзбек тилида ёзилиш қоидалари асосида нормаллаштирилди. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
9	Зиёратгоҳ	Юксалиш МФЙ	Номсиз	Оқтош ота	Оқтошота- Географик объектларнинг ўзбек тилида ёзилиш қоидалари асосида нормаллаштирилди. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
10	Зиёратгоҳ	Туркман МФЙ	Номсиз	Сўгал ота	Сўгалота- Географик объектларнинг ўзбек тилида ёзилиш қоидалари асосида нормаллаштирилди. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
11	Зиёратгоҳ	Туркман МФЙ	Номсиз	Чилламозор ота	Чилламозорота- Географик объектларнинг ўзбек тилида ёзилиш қоидалари асосида нормаллаштирилди. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.

12	Зиёратгоҳ	Бешкуби ҚФЙ	Номсиз	Киндикли ота	Киндиклиота- География объектларнинг ўзбек тилида ёзилиш қоидалари асосида нормаллаштирилди. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
13	Зиёратгоҳ	Чорвадор ҚФЙ	Номсиз	Ғор бобо	Ғорбобо- География объектларнинг ўзбек тилида ёзилиш қоидалари асосида нормаллаштирилди. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
14	Зиёратгоҳ	Чорвадор ҚФЙ	Номсиз	Хўжа кўндаланг бобо	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
15	Зиёратгоҳ	Қайирма МФЙ	Номсиз	Бешоғайни ота	Бешоғайниота- География объектларнинг ўзбек тилида ёзилиш қоидалари асосида нормаллаштирилди. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
16	Зиёратгоҳ	Ғаллакор ҚФЙ	Номсиз	Хўжаи тан ота	**Хўжаитанота-**География объектларнинг ўзбек тилида ёзилиш қоидалари асосида нормаллаштирилди. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.

Xalq deputatlari Zomin tuman
Kengashining
2022 yil 11 martdagi
VI-34-41-3-48-K/22-son qaroriga
3-ilova

Зомин туман ҳудудидаги номсиз қабристонларга берилган номлар рўйхати

Т/р	Географик обектнинг тури	Жойлашган ўрни	Географик обектнинг амалдаги номи	Вилоят комиссияси томонидан берилган таклиф	Эксперт комиссиясининг хулосаси
1	Қабристон	Оқтепа МФЙ	Номсиз қабристон	Оқтепа	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
2	Қабристон	Тараққиёт МФЙ	Номсиз қабристон	Қайирма	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
3	Қабристон	Қўрғон МФЙ	Номсиз қабристон	Қовусмозор	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
4	Қабристон	Қўрғон МФЙ	Номсиз қабристон	Хўжасайид	Хўжасаид -Географик объектларнинг ўзбек тилида ёзилиш қоидалари асосида нормаллаштирилди. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
5	Қабристон	Ғафур Ғулом МФЙ	Номсиз қабристон	Хўжа Қаҳҳор	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
6	Қабристон	Боғишамол МФЙ	Номсиз қабристон	Адирсойтепа, Эски Зомин	Таклифлардан Эски Зомин номи тавсия этилади. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
7	Қабристон	Қайирма МФЙ	Номсиз қабристон	Бешоғайни	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
8	Қабристон	Боғишамол МФЙ	Номсиз қабристон	Қоратошота	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
9	Қабристон	Навбаҳор МФЙ	Номсиз қабристон	Сегизсари	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
10	Қабристон	Ширин МФЙ	Номсиз қабристон	Эшонтепа	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
11	Қабристон	Ширин МФЙ	Номсиз қабристон	Темирота	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.

12	Қабристон	Ширин МФЙ	Номсиз қабристон	Эшбердитепа, Мўғол	Таклифлардан Мўғол номи тавсия этилади. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
13	Қабристон	Ширин МФЙ	Номсиз қабристон	Аззайтепа	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
14	Қабристон	Ширин МФЙ	Номсиз қабристон	Аржатепа	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
15	Қабристон	Бешкуби МФЙ	Номсиз қабристон	Қорамозор	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
16	Қабристон	Бешкуби МФЙ	Номсиз қабристон	Саид қилич Бурхон	Саидқилич Бурхон-Географик объектларнинг ўзбек тилида ёзилиш қоидалари асосида нормаллаштирилди. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
17	Қабристон	Бешкуби МФЙ	Номсиз қабристон	Увол	Уввол - Географик объектларнинг ўзбек тилида ёзилиш қоидалари асосида нормаллаштирилди. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
18	Қабристон	Бешкуби МФЙ	Номсиз қабристон	Бешкуби	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
19	Қабристон	Бешкуби МФЙ	Номсиз қабристон	Парпиота	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
20	Қабристон	Бешкуби МФЙ	Номсиз қабристон	Чўққимозор	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
21	Қабристон	Бешкуби МФЙ	Номсиз қабристон	Султонбобо	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
22	Қабристон	Навоий МФЙ	Номсиз қабристон	Мозортепа	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
23	Қабристон	Навоий МФЙ	Номсиз қабристон	Муллаота	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
24	Қабристон	Пешоғар МФЙ	Номсиз қабристон	Бешбулоқ	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
25	Қабристон	Пешоғар МФЙ	Номсиз қабристон	Пешоғорий	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.

26	Қабристон	Қўштол МФЙ	Номсиз қабристон	Мангулик	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
27	Қабристон	Қўштол МФЙ	Номсиз қабристон	Қангли	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
28	Қабристон	Ҳамид Олимжон МФЙ	Номсиз қабристон	Мовий гумбаз	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
29	Қабристон	Тўрттом МФЙ	Номсиз қабристон	Жартепа	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
30	Қабристон	Дуоба МФЙ	Номсиз қабристон	Оқтошота	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
31	Қабристон	Дуоба МФЙ	Номсиз қабристон	Қорамозорота	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
32	Қабристон	Дуоба МФЙ	Номсиз қабристон	Киндикмозор ота	**Киндикмозорота-** Географик объектларнинг ўзбек тилида ёзилиш қоидалари асосида нормаллаштирилди. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
33	Қабристон	Дуоба МФЙ	Номсиз қабристон	Қўшбоқота	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
34	Қабристон	Дуоба МФЙ	Номсиз қабристон	Арчамозорота	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
35	Қабристон	Дуоба МФЙ	Номсиз қабристон	Холиқул ота, Бойбўта	**Холиқул ота, Бойбўта**- Географик объектларнинг ўзбек тилида ёзилиш қоидалари асосида нормаллаштирилди. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
36	Қабристон	Дуоба МФЙ	Номсиз қабристон	Шаҳидбобо	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
37	Қабристон	Чорвадор МФЙ	Номсиз қабристон	Хўжакўндалангбобо	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
38	Қабристон	Чорвадор МФЙ	Номсиз қабристон	Ўртамозор	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
39	Қабристон	Чорвадор МФЙ	Номсиз қабристон	Ҳайиткултепа	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.

40	Қабристон	Чорвадор МФЙ	Номсиз қабристон	Хўжабандикушод	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
41	Қабристон	Чорвадор МФЙ	Номсиз қабристон	Култепа	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
42	Қабристон	Туркман МФЙ	Номсиз қабристон	Мўминтепа	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
43	Қабристон	Туркман МФЙ	Номсиз қабристон	Чилламозор	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
44	Қабристон	Туркман МФЙ	Номсиз қабристон	Шоҳимардон	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
45	Қабристон	Обиҳаёт МФЙ	Номсиз қабристон	Ёдгорлик, Қўнғирбой	Таклифлардан Қўнғирбой номи тавсия этилади. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
46	Қабристон	Обиҳаёт МФЙ	Номсиз қабристон	Бешбеги	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
47	Қабристон	Обиҳаёт МФЙ	Номсиз қабристон	Хотира, Бўржиғон	**Бўржиғон** номи тавсия этилади.Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
48	Қабристон	Обиҳаёт МФЙ	Номсиз қабристон	Хонтепа	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
49	Қабристон	Истиқлол МФЙ	Номсиз қабристон	Сўфиота	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
50	Қабристон	Истиқлол МФЙ	Номсиз қабристон	Ўролота, Ўрол	Таклифлардан Ўрол номи тавсия этилади. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
51	Қабристон	Гулистон МФЙ	Номсиз қабристон	Луқмонхон Эшонбобо	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
52	Қабристон	Мустақиллик МФЙ	Номсиз қабристон	Қумота	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
53	Қабристон	Ғаллакор МФЙ	Номсиз қабристон	Қизилой	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
54	Қабристон	Ғаллакор МФЙ	Номсиз қабристон	Хўжаитанота	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.

55	Қабристон	Ғаллакор МФЙ	Номсиз қабристон	Кўктўнли ота	**Кўктўнлиота** - Географик обектларнинг ўзбек тилида ёзилиш қоидалари асосида нормаллаштирилди. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
56	Қабристон	Ғаллакор МФЙ	Номсиз қабристон	Ғойибота	Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.

Xalq deputatlari Zomin tuman
Kengashining
2022 yil 11 martdagi
VI-34-41-3-48-K/22-son qaroriga
4-ilova

Зомин туман ҳокимининг 2021 йил 20 октябрдаги "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни 2022 йилда ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида"ги 129-3-48-Q/21 сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисидтўғрисидаги қарор лойиҳасига

Ч Е К Л И С Т

Йўналишлар	Коррупциявий омиллар	Жавоблар	Коррупциявий омил мавжуд норма ва унинг асоси
Нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий мувофиқлиги билан боғлиқ коррупциявий омиллар	Сўзларнинг нотўғри қўлланилиши	йўқ	
	Ноаниқ ва асоссиз ҳаволалар келтирилганлиги	йўқ	
	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги	йўқ	
Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ коррупциявий омиллар	Дискрецион ваколатларнинг кенглиги	йўқ	
	Аниқ белгиланмаган ваколатлар	йўқ	
	Давлат органларининг такрорловчи ваколатлари ва вазифаларнинг мавжудлиги	йўқ	
	Давлат органи томонидан ўзининг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши	йўқ	
	Вазифа ёки топшириқни бажариш учун ижрочида етарли ваколатлар ва ресурсларнинг мавжуд эмаслиги	йўқ	
	Кечиктириб тартибга солиш	йўқ	
	Манфаатлар тўқнашуви	йўқ	
	Афзалликларнинг асоссиз белгиланиши	йўқ	
	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга киришини асоссиз равишда кечиктириш	йўқ	
	Ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўртасидаги номутаносибликлар	йўқ	
Маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ коррупциявий омиллар	Маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги	йўқ	
	Белгиланган қоидалардан чиқувчи истисноларни асоссиз ўрнатилиши	йўқ	
	Ортиқча ва асоссиз талабларнинг ўрнатилганлиги	йўқ	
	Вақт чегараларининг аниқ белгиланмаганлиги	йўқ	
	Тўлов миқдорлари аниқ белгиланмаганлиги	йўқ	
	Санкцияларнинг номутаносиблиги	йўқ	
	Чора-тадбирларни амалга оширишнинг молиялаштириш манбалари ноаниқлиги	йўқ	
Назорат билан боғлиқ коррупциявий омиллар	Шикоят қилиш тартибининг мавжуд эмаслиги	йўқ	
	Шаффофлик ва жамоатчилик назоратини таъминлашдаги бўшлиқлар	йўқ	
	Давлат органларининг фаолияти устидан назорат қилишнинг шакллари ва турлари белгиланмаганлиги	йўқ	

Бош юрисконсулт **Й.Шамшиев**